

Диний идора вакиллари қардош турк халқига ҳамдардлик билдирди



18:34 / 09.02.2023 1202

Бугун, 9 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари Туркия давлатининг Тошкентдаги элчихонасига ташриф буюриб, қардошларимизга ҳамдардлик билдирдилар.

Ташриф асносида Қуръони Карим оятлари тиловат қилиниб, Ҳақ таолодан кучли зилзила оқибатида вафот этган марҳумларни мағфират қилиши, яқинларига сабр-матонат беришини сўрадилар ҳамда жабр чекканларга тезроқ шифои комил ато этишини тиладилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати